



Ким тоатдан чиқиб, жамоатни тарк қилган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: «Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким тоатдан чиқиб, жамоатни тарк қилган ҳолда ўлса, жоҳилият ўлими билан ўлибди. Кимда-ким миллати учун ғазабланиб, мақсади ноаниқ байроқ остида жанг қилса, ёки миллатчиликга даъват қилса, ёки миллатчиликга ёрдам берса ва шу ҳолда ўлим топса, жоҳилият ўлими билан ўлибди! Кимда-ким менинг умматимга қарши чиқиб, улардан яхши ва ёмонларини ўлдирса, мўминларини ўлдириш оқибатидан ҳам қўрқмаса ва ҳеч кимнинг аҳдига вафо қилмаса, бас у мендан эмас, мен ҳам ундан эмасдирман!» – дедилар».

[Саҳиҳ] [Имом Муслим ривояти]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким валий амрнинг (шаръий ҳоким) тоатидан чиқиб, байъат беришга иттифоқ қилинган имомга байъат бермай ислом жамоатидан ажралиб ўлса, амирга бўйсинмайдиган, бир жамоа бўлмайдиган, балки фирқа ва гуруҳларга бўлиниб бир-бирлари билан урушадиган бўлса, жоҳилият аҳли ўлгандай ўлишини хабар бердилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ким ҳақлиги ботиллигидан ажрамаган байроқ остида урушса, дин ва ҳақ учун эмас, балки илм ва ақлсиз мутаассибларча ўз қавми ва қабиласи учунгина ғазаб қилса, урушса ва шу ҳолда ўлса, жоҳилият қатли каби қатл бўлишини таълим бердилар. Ким Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматларига қарши чиқса, солиҳи-ю фожирига қилич кўтарса, нима қилаётганига эътибор бермаса, мўминини ўлдириш оқибатидан қўрқмаса, валий амр ва кофирларга берган аҳдига вафо қилмасдан бузса, катта гуноҳга қўл урган бўлади. Ким ушбу ишни қилса, бу қаттиқ таҳдидга лойиқ бўлади.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/58218>

